

БИОЛОГИЯ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Салима Раҳматова

Сурхондарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси

salima.raxmatova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада биология фан ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга методик тайёргарлигини таъминлашнинг айрим масалалари қаламга олинган. Инновацион фаолиятга тайёрлик узок вақт давомида шаклланиши билан биргаликда янгиликка интилиш, креативликни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари ҳақида назарий фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, методик тайёргарлик, янгиликка интилиш, креативлик, фанлараро алоқадорлик, асосий белгилар.

ABSTRACT

The article addresses some issues of ensuring the methodological preparation of biology teachers for innovative activities. Along with the formation of readiness for innovative activity over a long period of time, the pursuit of innovation, creativity expressed theoretical views on the main features of innovative activity.

Keywords: innovative activity, methodical preparation, aspiration to innovation, creativity, interdisciplinary connection, key features.

КИРИШ

Маълумки, ҳар қандай мутахассиснинг тайёргарлик даражаси, авваламбор, ўқитувчининг касбий тайёргарлигига боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, ўқитувчи маълум бир маънода жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий тараққиёт даражасини аниқлаб беради.

Инновацион фаолият педагогик маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида тадқиқ қилиб келинган. Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт даврида ахборотлар оқими тез ўзгаради, билимларнинг маънан “эскириши” юз беради, касбий педагогик меҳнат табиати эса малака

даражасини ўз вақтида янгиликларини талаб қилади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш муаммоси педагогика назариясининг биринчи даражали вазифаси бўлиб қолаверади, унинг амалий йўналишлари эса кенг кўламдаги ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор масалалар ечимига қаратилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳамдўстлик давлатлари ва Республикамизда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида, педагог кадрларни инновацион муҳитдаги педагогик фаолиятга умумпедагогик тайёргарликнинг таркибий қисми сифатида ёки олий таълимдан кейинги таълимда тайёрлаш масалалари қаралган бўлиб, олий таълим муассасасида бўлажак фан ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга назарий ва амалий тайёргарлигининг яхлитлигини назарда тутувчи комплекс тайёрлаш масаласи алоҳида ўрганилмаган.

Инновацион ёндашувнинг баъзи муаммолари мамлакатимиз педагог олимларидан А.Абдуқодиров, Н.Азизходжаева, Б.Адизов, Н.Сайидахмедов, Ж.Йўлдошев, Ф.Юзликаев, Р.Джураев, Ш.Мардонов, Ў.Толипов, Д.Юнусова, С.Бозорова, М.Жуманиёзова, Ш.Шодмонова, Р.Сафарова, А.Чориев, М.Қурононов, О.Мусурмонова, Б.Фарберман, С.Ғуломов, М.Лутфуллаев, У.Нишоналиевларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган [1].

Янгилик ва ижод кенг ва тор маънода талқин қилинади. Тор маънода янги, бетакрор тизимни яратиш; кенг маънода – педагогик жараёнда мунтазам пайдо бўлувчи муаммоларни англаш ва ҳал этишга йўналтирилган фаолият сифатида қаралади. Янгилик ва ижод ҳар қандай педагогик фаолиятнинг касбий муҳим қисмидир. Шундай қилиб, ижод ва янгиликни таълим жараёнида янгиликни яратиш ва қўллаш сифатида тасаввур қилиш мумкин [2]. Л.Д.Лебедева тадқиқотларида «янгилик» тушунчасига таълим-тарбия технологияларини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида онгли ўзгартиришлар киритиш, бунда ўзгаришлар ҳар доим ҳам мутлақ янги ғоя ёки шакл бўлмаса ҳам замонавий вазият учун янги бўлиши керак, деб қаралади [3]. О.С.Гребенюк, Т.Б.Гребенюклар фикрига кўра янгилик энг кам сарф-ҳаражат ва уни рўёбга чиқаришнинг энг маъқул тартибида янгиликни киритишдан олинган максимал натижани қафолатлайди [4].

Инглиз профессори В.Р. Спенсер “Инновация – бу аниқ вазиятда мутлақо янги нарса, биз буни англаганимизда фойдаланишимиз мумкин” [9]

деб таъриф беради. Россиялик олимлар А.Кулагин “Инновация – бу инновацион, ишлаб чиқариш, институционал молиявий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги янгиликдир” [4] деб таъриф берадилар. Д.Форининг “инновацион имкониятлар - бу мунтазам равишда комбинациялашган билимларни кашф қилиш, улардан фойдаланиш демакдир. Бунда комбинациялашган жараёнларда асосий эътибор бериладиган жиҳат – бу билимдир” [5] деб таъкидлайди. И.Балабанов “Инновация-капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шакллари, жумладан, янгича назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир” [5] деб таърифлаган.

Педагогик нуқтаи назардан эса, замонавий таълим тизимида амалга оширилаётган инновацион жараёнлар, аввало, инсон фаолиятининг барча соҳаларида рақамли технологияларидан фаол фойдаланиш билан боғлиқ ва биринчи навбатда таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу муносабат билан талабаларнинг касбий инновацион фаолияти тубдан бошқача маъно касб этади. Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, талабалар учун таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ўқитувчи томонидан амалга оширилгандагини юзага чиқади. Яъни, таълим жараёнида талабаларни объектдан субъектга айлантириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг касбий компетентлигига боғлиқдир.

Биология ўқитувчиси педагогик фаолиятининг инновацион муҳити сифатида ўрганиш, узлуксиз таълим мазмуни, уни ўқитиш методлари ва воситаларидаги янгиликларни чуқур илмий таҳлил қилиш орқали, биология таълимига киритилаётган янгиликларни таснифлаш, биология ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти мазмунини аниқлаш, олий таълим муассасасида бўлажак биология ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, мамлакатимизда инновацион жараёнларни шиддат билан ривожланиши натижасида инновацион инфратузилмага эҳтиёж сезилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

4805-сонли қарорининг 9-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кимё ва биология фанлари йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ошириш, таълим муассасалари учун илғор хорижий тажриба асосида замонавий ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ҳамда илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари белгиланди [6].

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг муваффақиятли яқунланиши умумий педагогик фаолиятни мазмун ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш, юқори самарадорликка эга бўлиш ва кенг қўламли ахборотлардан фойдаланишдан иборат.

Олий таълим ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларида биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш учун:

биринчидан, бевосита таълим сифат кўрсаткичларининг моҳиятини белгилаш; касбий йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларга қўлайлик яратадиган методларни қўллаш, ўзига хос таълим-тарбия муҳитининг ташкил топиши натижасида ўқув муассасининг имиджини вужудга келтириш;

иккинчидан, бўлажак биология ўқитувчиларининг ўзлаштираётган назарий билимларини нафақат педагог орқали, балки ташқи манбалардан ола билиши, кенг миқёсда тафаккур юрита олишга ўргатиш лозим, бу бўлажак ўқитувчининг методик тайёргарлигини намоён этиши учун оптимал шарт-шароитлари моделларини юзага келтиради;

учинчидан, олий таълим муассасалари лабораторияларида илмий тадқиқот ишларини кенг қўламда олиб боришнинг ташкил этилишини йўлга қўйиш. Бу таълим-тарбия жараёнида инсоний, молиявий, моддий-техник ресурсларни оптимал ишлатишга имкон беради.

Олий таълим ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларида биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда биологиянинг амалиёт билан алоқасини таъминлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, касбий фаолияти давомида узлуксиз равишда методик тайёргарлик даражасини ошириб бориш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни жорий этиш зарур.

Инновацион ёндашув ўқитувчидан олган билим ва кўникмаларини амалиётга қўллашни эмас, балки уларни доимий такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур талаб билан боғлиқликда ўз навбатида ўқитиш методларини танлаш тизими ҳам ўзгаради. Ўқитиш методларини танлаш ва амалаётга жорий этиш ўз навбатида таълим жараёнига қўйиладиган талабларга мувофиқ компетенцияларни такомиллаштиришдан иборат бўлади.

Бўлажак ёш педагог учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган билим, кўникма, малака ва сифатни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ўзини-ўзи такомиллаштиришнинг энг муҳим давридир.

Бўлажак биология ўқитувчилари таълим жараёнида билим асосларини эгаллаш жараёнида уларнинг тафаккури ҳам шакллана боради. Улар шахснинг эҳтиёж, имкониятларини аниқ режа ва дастурлар, методлар асосида амалга ошириш, шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ физик тушунчалар, биологиянинг қонуният асослари ва улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари, мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни, ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида биология бўйича тайёргарликни шакллантириши, биология билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олишдир. Улар шахс баркамоллигини белгиловчи асосий сифатларни ифодалайди.

Олий таълим ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларида бўлажак биология ўқитувчисини методик тайёргарлигини такомиллаштиришда уларни ўқитиш ва масалалар ечиш методикаси, лаборатория ишларини бажариш, педагогик ва ахборот технологияларига амал қилиш, мазкур фан мавзулари ва мазмунига қараб ўқитиш методларини танлаш ҳақида тегишли билим ва кўрсатмалар бериш, илғор методик тажрибалар билан таништириш каби муҳим ҳисобланади. Улар биология ўқитиш методикаси сирларини, бу фан бўйича билим, малака, кўникмага эришишнинг самарали ва оптимал йўллари ўрганиши, унинг дастури билан ишлаш, уни таҳлил қилиш, фан мазмунини соатлар бўйича тақсимлаш ва уни ўқитиш бўйича методик йўл-йўриқлар ҳақида тушунчаларга эга бўлиши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилар асосида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

мактаб таълимида “инновацион фаолият” тушунчаларини “моддий” англаши учун зарур бўлган педагогик омилларни ишга тушуриш;

макатба таълимида биология фанини олдида қўйилаган янги талаблар асосида ишларни янада жадаллаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этилишини назарда тутган ҳолда, таълим сифатини ривожлантиришда инновацион фаолиятга урғу бериш;

янгиликни ўрганишга интилаётган ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини барпо этиш ва ҳоказо.

Бу каби амалий ишларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда инновацион фаолият янада ривожланади ва унинг оқибатида инновацион фаолиятнинг сифати ва самарадорлиги таъминланади.

REFERENCES

1. Ҳасанова Х. Н. Умумий ўрта таълим мактабларида органик кимё фанини ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш. 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2020.
2. Азизова Г.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш (инглиз тили материаллари мисолида) 13.00.01 – “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2019.
3. Гаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
4. Сухорукова Л.Н. Теоретические основы культурно-исторического подхода к школьному биологическому образованию: Автореф. дисс. д-ра пед. наук. М., 2001.-36 с.
5. Третьяков П.И., Сенновский И.Б. Технология модульного обучения в школе: Практико-ориентированная монография /Под ред. П.И. Третьякова. М.: Новая школа, 2001. - 352 с.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4805-сонли қарори.
7. Мустафакулов, А. А., Халилов, О. К., & Уринов, Ш. С. (2019). Цель и задачи самостоятельной работы студентов.
8. Abdurakhmanov, B. A., & Ayupov, K. S. (2010). Bakhadyrkha nov, MK, Iliyev, Kh. M., Zikrillaev, NF, and Sapa rniyazova, ZM, Low Temperature Diffusion of Impurities in Silicon. In Dokl. Akad. Nauk Resp. Uzb (No. 4, p. 32).
9. Бахадырханов, М. К., Зикриллаев, Н. Ф., Аюпов, К. С., Бобонов, Д. Т., Кадырова, Ф. А., & Ильхомжонов, Н. (2006). Спектральная область существования автоколебаний тока в кремнии, легированном марганцем. Журнал технической физики, 76(9), 128-129.
10. Абдурахманов, Б. А., Аюпов, К., Бахадырханов, М. К., Илиев, Х. М., Бобонов, Д. Т., & Зикриллаев, Н. Ф. (2010). Сапар-ниязова ЗМ, Тошев А. Низкотемпературная диффузия примесей в кремнии. Доклады АН РУз, (4), 32.
11. Bakhadir Khanov, M. K., Ayupov, K. S., Zikrillaev, N. F., Kadirova, F. A., & Bobonov, D. T. (2002). Strongly compensated silicon as a new class of materials for electronics.
12. Taylanov, N. A., Dzhuraeva, N. M., & Bobonov, D. T. (2019). Diffusion evolution of electromagnetic perturbations in superconductors. Uzbekiston Fizika Zhurnali, 21(2), 130-132.
13. Бахадырханов М.К., Исамов С.Б., Илиев К.М., Камалов К.У. (2015). Аномально долгое время жизни дырок в кремнии с нанокластерами атомов марганца. Полупроводники, 49 (10), 1332-1334.
14. Хасанова, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ. Academic research in educational sciences, 2(1).
15. Халилов, О. Қ., & Бобонов, Д. Т. (2021). КИМЁ ВА ФИЗИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. Scientific progress, 2(6), 199-203.
16. Хасанова, Г. И. Қ. (2021). БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТСИЯСИНИНГ АХАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2(9), 1051-1056.